

# Ибн Сино ва Ғаззолий

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф



18:30 / 05.08.2020 5395

## Савол:

Абу Али ибн Сино ўзининг илмий-фалсафий қарашлари сабабли дин арбоблари томонидан кучли танқид қилинган. Хужжатул-Ислом имом Ғаззолийнинг ҳам Ибн Сино ғояларига ашаддий қаршилик кўрсатганини ўқиганман. Шу ҳақда ҳам фикрингизни билдирсангиз, илтимос! Саволларимда хатолик ёки янглишлар бўлса, олдиндан узр сўрайман. Сизни дуо қилиб, Искандарбек.

## Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Имом Ғаззолий ўз китобларида файласуфларнинг ҳолини ва уларнинг шариат билан тўқнашадиган ва тўқнашмайдиган илмларини баён қилганлар. Кейин эса файласуфларни танқид қилишга ўтганлар. Бу танқидлар илоҳиётга ва метафизикага оид ўн олтига ҳамда табиат илмларига тегишли тўртта масалани ўз ичига олган.

Мазкур йигирма масаладан учтасида файласуфлар куфрга кетганлиги ҳақида қарорга келинган. Ўша уч масала қуйидагилар:

### 1. Файласуфларнинг «олам қадимдир» деган гаплари.

Файласуфлар ўзларининг турли ақлий далилларида келиб чиқиб, «Олам қадимдир, у кейин пайдо бўлган ҳам эмас, уни биров яратган ҳам эмас» деган фикрни айтганлар.

Имом Ғаззолий уларга раддия бериб: «Олам қадимий илоҳий ирода ила мавжуд бўлган, ўша ирода оламнинг маълум вақтда вужудга келишини ирода қилган, ундан олдин мавжуд бўлиши ирода қилинмаган эди, шунинг учун у пайдо бўлмаган. Янги пайдо бўлган ҳар бир нарса эса силсила ила охириги ва қадимги сабабга бориб тақалади, ўша сабаб Аллоҳ таолодир», дея таъкидладилар.

### 2. Файласуфларнинг «Аллоҳ таоло жузъий нарсаларни билмайди», деган гаплари.

Файласуфларнинг фикрича, Аллоҳ таоло фақат собит куллиётларнигина билади. Шу нарса унинг камолига мос келади. Жузъий майда нарсалар ўзгариб туради. Шунинг учун уларга боғлиқ илм ҳам ўзгариб туради. Илмнинг ўзгариб туриши эса Аллоҳ таолонинг камолига тўғри келмайди. Аллоҳ таоло инсониятнинг амалларини тўп шаклида умумий ҳолда билади, холос. Одамлардан алоҳида шахсларнинг қилган амалини билмайди.

Имом Ғаззолий Аллоҳ таоло ўша жузъий амалларнинг барчасини ўзгармас битта илм ила билишини таъкидлайдилар.

### 3. Файласуфларнинг охирада жасадларнинг қайта тирилишини инкор қилишлари.

Уларнинг фикрича, охирада фақат руҳлар қайта тирилтириладилар, холос. Бинобарин, жаннатда жисмнинг лаззатланиши ва дўзахда азобланиши ҳам бўлмайди.

Имом Ғаззолий эса жисмларни йўқдан бор қилишга қудрати етган Аллоҳ таоло учун уларни чириганидан кейин қайта тирилтириш ҳам осон эканини таъкидлайдилар.

Демак, бу маънода Ибн Синонинг ёлғиз ўзи танқид қилинмаган. **Валлоҳу аълам.**

**«Зикр аҳлидан сўранг» китобидан**